O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG`ONA VILOYATI
O`ZBEKISTON TUMANI HOKIMINING

# Q A R O R I

"3" феврал 2021 у                                        Yaypan shahri 114 sonli

Танловда ғолиб чиққан Шодлик МФЙ Окёзи қишлоғида яшовчи фуқаро Қодиров Дилмуроджон Орифовичга А.Ниёзов ММТП ва С.Азизов ММТП худудларидаги туман захира ер майдонидан патачилик-ғаллачилик ихтисослашувида узоқ муддатли ижарада фойдаланиш учун ер майдонлари ажратиб бериш тўғрисида

Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 9 январдаги 14-сонли ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашининг қарорларига асосан "Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига мувофиқ

**Қ А Р О Р  Қ И Л А М А Н:**

**1.** Ўзбекистон тумани халқ депутатлари кенгаши сессисининг 30.01.2021 йилдаги № 113/18-6-сонли қарори асос ва ижро учун кабул қилинсин.

**2.** Фуқаро Қодиров Дилмуроджон Орифовичга "А.Ниёзов" ММТП ҳудудида туман захирасига қарашли бўлган № 468-475-471-473-467-контурларидаги жами 24.4 га, шундан 23.40 га экин ер майдони, 0.80 га арик-зовурлар, 0.20 га йўллар. С.Азизов ММТП худудидан № 1871-контурдаги жами 6.20 га шундан 6.10 экин ери, 0.10 га арик ва зовурлардан иборат ер майдонлари жами 30.6 га шундан 29.50 га экин ери, 0.90 га арик ва зовурлар, 0.20 га йўллардан иборат ер майдонлари пахтачилик-ғаллачилик ихтисослашувида фукаро Қодиров Дилмуроджон Орифовичга 49 йил муддатга ижарага фойдаланиш учун ажратиб берилсин ҳамда ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномаси расмийлаштириш вазифаси Кадастр агентлигининг Ўзбекистон туманбўлими бошлиғи А.Ражабовга юклатилсин.

**3.** Фуқаро Қодиров Дилмуроджон Орифовичга ажратиб берилган ер майдонларида ноқонуний холатларни бартараф қилиш чораларини кўриш фазифаси юклатилсин.

**4.** Туман Давлат солиқ инспекцияси Ж.Қўчқаров, туман Статистика бўлими О.Абдуллаев, Давлат хизматлари маркази директори М.Жўраевларга ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда янги ташкил этилган фермер хўжалигини давлат рўйҳатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

**5.** Тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва таъминот қишлоқ хўжалиги корхоналари ташкил этилган фермер хўжалигига ажратилган ер майдонига нисбатан 2020 йил қишлоқ хўжалиги йили учун сарф қилинган ҳаражатларини инобатга олсин, у билан контрактация, хизмат кўрсатиш ва таъминот шартномаларини қайта расмийлаштирилиши ишлари қисқа муддатда амалга оширилишини таъминлансин.

**6.** Бандлик, молия туман бўлимлари ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши билан биргаликда янги ташкил этилган фермер хўжалигида қишлоқ аҳолисини кафолатли иш ўринлари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

**7.** Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Туман хокими:**                                        **Қ. Джураев**